Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 16 март, пайшанба №33 (21.796.) Сотувда эркин нархда.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

15 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

— Мустақиллик йилларида халқимизнинг руҳини кўтарадиган, унга куч-қувват берадиган, умид бағишлайдиган янгиланиш, яшариш байрами — Наврўзни кенг нишонлаш қутлуғ анъанага айланди,— деди мамлакатимиз раҳбари.— Халқимиз эъзозлайдиган қутлуғ саналар ичида Наврўз энг улуғ ва нуфузли байрамлардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунга келиб у миллий байрам доирасидан чиқиб, умумхалқ шодиёнасига айланди. Бу йилги Наврўз ҳам мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг севимли байрами ҳисобланади. Ҳатто, яқину узоқдаги дўст ва қардош мамлакатлар бизнинг мазкур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибамиз билан қизиқмоқда. Бу — Ўзбекистонимиз қадимий шарқона қадриятларга муносиб ворислик қилаётгани ва уларни замон талабига мослаб такомиллаштираётганидан яна бир далолатдир. Қисқача айтганда, кўҳна байрам истиқлолимизнинг самарасига айланди ва уни пухта тайёргарлик билан юксак савияда ўтказиш ана шу ютуғимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракат демакдир.

Шундан сўнг Ислом Каримов байрамга тайёргарликнинг бориши билан танишди.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган байрам томошалари бош режиссёри Ғаҳодир Йўлдошев ва бошқалар умумхалқ байрамига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика Ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

БЎЛАЖАК РЕФЕРЕНДУМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1995 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тошкентдаги дипломатия ваколатхонларининг бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва хорижий журналистлар учун республика Президенти ваколатларини узайтириш юзасидан бўлажак умумхалқ референдуми муносабати билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда ташқи ишлар вазири А. Комилов ахборот берди.

Учрашувда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этдилар.

Таклиф этилганларга референдумга тайёргарлик қандай бораётгани тўғрисида маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўла-тўкис жавоб олдилар.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

1995 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссияда референдум ўтказувчи округ комиссиялари раисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Комиссия раиси Қ. Аҳмедов ўз маърузасида референдумга тайёргарликнинг бориши ҳамда бу борада округ комиссияларининг асосий вазифалари тўғрисида тўхталиб ўтди. Маърузада республика фуқаролари Ўзбекистон Олий Мажлисининг умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини қизғин қўллаб-қувватлаб, бу борада олиб борилаётган барча ташкилий ишларда фаол иштирок этаётганлиги, референдумга тайёргарлик юқори савияда ўтаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Сўнгра умумхалқ овоз беришига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Фарғона, Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент шаҳар округ комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди ҳамда референдумни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Референдумга тайёргарлик борасидаги ишлар юзасидан республика Алоқа вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, Давлат телерадиокомпанияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди, йиғилиш иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоб берилди.

Участка комиссияларига амалий ёрдам бериш мақсадида 16 мартдан 21 мартгача референдум ўтказувчи Марказий ва округ комиссияларининг аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг вакиллари иштирокида минтақавий семинарлар ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди.

КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

15 март куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ҳамда парламентнинг мамлакат Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича республика референдумини ўтказиш ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган касаба уюшмаларининг вазифалари муҳокама этилди. Бу ҳақда кенгаш раиси Ҳ. Жамолов маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари мамлакатимиз раҳбари маърузасидаги қоида ва хулосаларни тўла мақулладилар, Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаган ҳолда, барча меҳнаткашларни 26 март куни бўладиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Пленумда Ўзбекистон Касаба уюшмалари XV қурултойининг кун тартиби билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатини таъкидлаган ҳолда улар олдига улкан вазифалар қўйди. Мана икки кундирки, Тошкентда агросаноат мажмуи ходимлари олдинда турган вазифаларни амалга ошириш бўйича кенгаш ўтказмоқдалар. Биринчи куни пахтакорлар ўзаро маслаҳатлашишган бўлишса, кеча ғаллакорларнинг республика қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Тармоқ ходимлари Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш бўйича амалий таклифларни ўртага ташлашди. Қурултойда республика қишлоқ хўжалиги вазири Р. Ҳусанов нутқ сўзлади.

Суратда: қурултой ҳайъати.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Олий Мажлиси биринчи сессияси якунлари, Президент Ислом Каримовнинг мазкур сессияда сўзлаган маърузасида ўртага қўйилган вазифалар, Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича ўтказиладиган республика референдумига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Тошкнт шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ана шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар мустақиллик шарофати билан Тошкент шаҳрини ободонлаштириш, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, транспорт, алоқа, савдо хизматларини такомиллаштириш борасида бирмунча ишлар қилинганини қайд этдилар. Шу билан бирга шаҳар фаоллари олдида ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар турибди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдорларининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, солиқ назоратини кучайтириш йўлида кўп иш қилиниши лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис биринчи сессияси қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, умумхалқ референдумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов пойтахт фаоллари ҳузурида сўзга чиқди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова қатнашди.

***

Қаршида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг Узбекистон Олий Мажлиси бирични сессиясида сўзлаган маърузасида баён этилган вазифалар тўғрисида Қашқадарё вилоят ҳокими Т. Хидиров маъруза қилди. Маърузачи иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда вилоятда қилинаётган ишлар ва кун тартибида турган муҳим вазифаларга эътиборни қаратди.

Музокарада сўзга чиққан партия, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қабул қилинган қарорлар ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, жамиятдаги барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Йиғилиш аҳли республика Олий Мажлисининг Узбекистон Президенти ваколатларини 2000 йилга қадар узайтириш борасида умумхалқ референдумини утказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаб, шу йил 26 мартда утадиган умумхалқ суровида фаол қатнашишларини билдирдилар.

Фаоллар йиғилиши вилоят аҳолисига мурожаатнома қабул қилди. Унда барча умумхалқ референдумида уюшқоқлик билан қатнашишга давъат этилди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева фаоллар йиғилишида сўзга чиқди.

Йиғилишда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, М. Мирқосимов, республика Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен қатнашди.

(ЎзА)

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМЛАРИ

ФАРҒОНА. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимовнинг «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари» ҳақидаги маърузасини тинглади ва муҳокама этди.

Пленум, шунингдек, мамлакатимиз парламентининг 26 март куни умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Барча ватандошларимизни референдумда фаол қатнашишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш учун овоз беришга даъват этди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

АНДИЖОН. Бу ерда ЎзХДП вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасидан, Олий Мажлис сессиясининг Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш учун шу йилнинг 26 март куни умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги қароридан, ЎзХДП Марказий Кенгаши XIV пленумининг шу масалаларни амалга ошириш бўйича белгилаб берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов маърузаси тингланди.

Пленум умумхалқ референдумини ўтказиш бўйича Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Бу борада қилинадиган ишлар режасини белгилаб олди ва Ватанимиз равнақини ўйлаган ҳар бир кишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш учун овоз беришга чақирди.

Пленум ишида партиянинг ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

НАВОИЙ. ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда юртбошимиз И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар муҳокама қилинди. Шунингдек, пленумда ЎзХДП Марказий Кенгашининг XIV пленуми қарорлари асосида партия ташкилотларининг қилинажак ишлари ва вазифалари белгилаб олинди. Мазкур масалалар юзасидан ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиевнинг маърузаси тингланди.

Анжуман иштирокчилари республика парламентининг 1995 йил 26 март куни умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорини маъқуллаб, барча навоийликларни бу сиёсий тадбирда фаол қатнашишга ҳамда республика Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтирилиши учун овоз беришга даъват этдилар.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

***

САМАРҚАНД. Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми бўлди. Унда Республика Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Й. Суюнов маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари республика парламентининг шу йил 26 мартда умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб, вилоятнинг барча аҳолисини референдумда фаол иштирок этишга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш учун овоз беришга даъват этдилар.

Пленумда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ТОШКЕНТ — РИГА: ҲАВО ҚАТНОВИ ОЧИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон ҳаво йўллари қатновида тобора мустаҳкам ўринни эгаллаб бормоқда. Эндиликда унинг ҳаво кемалари Буюк Британия, Германия, Таиланд, Туркия, Исроил, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларга йўл очиб, парвозларни амалга оширмоқда. Хорижда компаниянинг 12 та ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Энди бўлса Болтиқбўйи мамлакатларидан бири бўлмиш Латвия пойтахти Ригага ҳам йўл очилди.

Командир Александр Карпенко бошчилигидаги экипаж бошқарган энг замонавий «А-310» аэробуси Тошкентдан кўтарилиб, қарийб 11 минг метр баландликда соатига 850 километр тезликда учиб 5 соатдан сўнг Рига аэропортига оҳиста қўнди. Шу тариқа Марказий Осиё ва Болтиқбўйи минтақалари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатнови очилди.

— Тошкент — Рига ҳаво йўли қатновининг тикланганлиги ҳар иккала мамлакат авиакомпанияси учун катта ютуқдир,— дейди Миллий компания бош директорининг ўринбосари Шаҳриёр Рўзимуродов, — зеро, айнан ана шу йўналишда йўловчилар оқими доимо энг кўп бўлган. Қолаверса, Марказий Осиёдаги бирон-бир давлат шу кунга қадар Болтиқ бўйи минтақаси билан ҳаво қатновига эга эмасди. Яна бир муҳим тарафи шундаки, эндиликда ҳар иккала мамлакат аэропортлари оралиқ учиш-қўниш майдонлари сифатида ҳам хизмат қилади. Бу эса йўловчиларга қулайлик яратади, уларнинг манзилини яқин қилибгина қолмай, қимматли вақтларини ҳам, ҳамёнларини ҳам тежайди...

Шу куниёқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг «А-310» аэробуси Тошкент аэропортига келиб қўнди. Унинг бортида латвиялик 120 йўловчи ҳам бор эди. Бир оз фурсатдан сўнг улар Шарқ дарвозаси орқали Бангкок томон учиб кетдилар. 16 март куни эса ўзбек учувчилари Рига орқали Амстердамга йўл очишади. Сўнгра Амстердам орқали Нью-Йоркга парвоз қилиш кўзланаётир. Шу тариқа «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин, АҚШга учиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи мамлакат бўлади.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Шу кунинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

Қулайлик

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАМНУН

НУКУС (мухбиримиздан). «Қорақалпоқкийим» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви қорақалпоқ диёри аҳолисини кийим-кечаклар билан таъминлашни янада яхшилаш, қўшимча иш жойларини ташкил этиш йўлида сайъ-ҳаракатлар қилмоқда.

Йил бошида гилам тўқиш, кўрпа-ёстиқ ва кийим-кечаклар тикиш цехлари иш бошлади. Натижада кўплаб хотин-қизлар иш билан таъминланди. Йил охиригача бундай иш жойларини 2,5 ҳисса кўпайтириш мўлжалланган.

— Бундай цехларни очиш ва кенгайтириш билан иш жойларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қилинмоқда, — дейди «Қорақалпоқкийим» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш мудири Раиса Ким. — Кадрлар малакасини ошириш, янги технологияни жорий этиш ҳисобига халқ истеъмоли молларини кўпайтирамиз. Муҳими, бошлаган ишимиздан хотин-қизлар мамнун бўлишмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Атроф-муҳит

ТАБИАТ КУШАНДАЛАРИГА ЗАРБА

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шўъбаларида хайрли ишларга қўл урилмоқда. Қўриқхоналарда Қизил китобга киритилган архар, чўл каклиги, Зарафшон арчаси каби ҳайвон, парранда ва ўсимликларни кўпайтириш ва асрашга эътибор қилинмоқда.

Қиш кунлари жониворлар озиқлантириб турилди. Тартиббузар овчиларнинг ножўя ҳаракатларига барҳам берилаяпти. Бу ишга 95 нафар мутахассис жалб қилинган. Шунга қарамай, тартиббузарлик ҳоллари учраб турибди. Утган йили 339 киши табиат қонунларини бузганлиги аниқланган эди. Табиат кушандаларидан 7 минг 749 сўм ундириб олинган. Хусусан, «Жиззахтранс» давлат акционерлик бирлашмасининг коммунал хўжалик шахобчалари 35 минг сўмлик чиқиндини чиқариб, табиатга зарар етказишган. Гагарин шаҳар сут заводи, Дўстлик шаҳар Марказий касалхонаси оқава сувларни тозалаш ишларига бефарқ қарамоқда. Шунингдек, бир қанча хўжаликларда кимёвий ўғитлардан фойдаланиш талабларига риоя қилинмаяпти. Зеро, табиатни муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Ҳуқуқ-тартибот

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Республикада балоғат ёшига етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг аҳволига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш ўтказилди.

Вилоятда Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитаси ҳамда Узбекистон Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари ўртасида ўтказилган кенгаш икки кун давом этди. Иштирокчилар ўсмирлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тўғрисида мулоҳаза юритдилар. Улар Қашқадарё воҳасида амалга оширилаётган тадбирларни кўздан кечирдилар.

Илҳом КАРОМОВ.

Газлаштириш

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР ОРАЛАБ

БУХОРО (мухбиримиздан). Ғиждувон туманидаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалигида газлаштириш ишлари якунланди.

Хўжалик ҳудудидаги Миракон, Адоқ, Обкана каби олис қишлоқларга ҳам газ қувурлари тортилди. Ҳозир бу қишлоқларнинг 500 га яқин хонадонида «зангори олов» порламоқда. Шунингдек, Пешку туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг Лайлакхона, Қаҳат ва Суфилар қишлоқлари ҳам газлаштирилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Транспорт

«ИСТИҚЛОЛ» ЙЎЛГА ЧОҒЛАНМОҚДА

АНДИЖОН. Шаҳар вагон депоси ишчи-хизматчилари йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Истиқлол» поездини ҳозирламоқда.

— Мустақиллик шарофати билан «Истиқлол» деб номланган бу поезд «Андижон-Тошкент» поезди ҳисобига ташкил этилмоқда, — дейди депо бош муҳандиси Раҳимжон Содиқов. — «Истиқлол» ҳам ҳаммага таниш «Олтин водий» фирма поездига ўхшаш бўлади. Янги поезднинг фирма маркаси тайёрлаб қўйилди. Йўналишда юрадиган вагонлар таъмирланмоқда. Унинг чойшаб, сочиқ, дераза пардалари ва дастурхонлари «Истиқлол» деган ёзув билан безалади. Поездни ташкил этишда Наманган вилоят ҳокимлиги кўмаклашмоқда. Насиб этса «Истиқлол» май-июнь ойларида йўлга чиқади. У Андижондан ҳаракатга келиб, Наманган орқали манзилга интилади.

Адҳам ДАМИНОВ.

26 март -- Ўзбекистон Республикаси референдуми куни

Газетанинг ўтган сонида ХДП аъзолари ва партиямиз фаоллари томонидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси ҳужжатлари ҳамда Президент И.А.Каримовнинг ундаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни ўрганишнинг Намунавий режасини эълон қилган эдик.

Бугун эса, эътиборингизга Президент маърузаси ҳамда сессия якунларига доир аҳоли яшаш жойлари, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ўтказиладиган маруза, суҳбат, анжуман ва мулоқотларнинг Намунавий мавзуларини ҳавола этмоқдамиз. Улар ушбу ҳужжатларни кенг тарғиб қилишни ташкил этувчиларга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузаси ҳамда мазкур сессия якунларига доир маруза, суҳбат, анжуман ва мулоқотларнинг намунавий мавзулари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - мамлакатимизнинг демократик қонун-қоидалар асосида шаклланган янги парламенти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси-мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида қилган маърузасининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбекистон туб янгиланиш йўлида.

Ўзбекистонда миллий давлатчилик ҳуқуқий пойдеворининг яратилиши.

Мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда барпо этилаётган миллий давлатнинг асосий хусусиятлари.

Мамлакатимизда янги, демократик жамиятни шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий асослари.

Шарқда демократик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

Мақсадимиз-мамлакатмизда демократик, одил жамиятни барпо этиш.

Миллий истиқлол маънавиятини ва фуқароларимизда юксак сиёсий савияни шакллантириш-жамиятни демократиялаштиришнинг муҳим шарти.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг ўрни, вазифалари ва моҳияти тўғрисида.

Демократия-тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат меваси, юксак сиёсий маданият демакдир.

Маҳалла-жамиятимизнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи.

Адолат ва ҳақиқат-қонунчилигимизнинг бош мезони.

Фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлатни қуриш, демократик қадриятларни вужудга келтириш-миллий равнақимиз асоси.

Давлат бошқарув идоралари фаолиятини такомиллаштириш-муҳим вазифа.

Олий Мажлис биринчи сессияси фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда фаол қатнашувини таъминлаш тўғрисида.

Мустақиллик ишига садоқатли, фидойи, уддабурон раҳбар кадрларни тайёрлаш-ислоҳотлар муваффақиятининг гарови.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш - давлат ҳокимияти барча тармоқларининг бош вазифаси.

Барча ислоҳотларнинг пировард мақсади-юртимизда яшаётган фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини муҳайё этишдир.

Комил инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш - умуммиллий аҳамиятга молик вазифа.

Миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган ёш-авлодни вояга етказиш-умумдавлат иши.

Замонавий юксак талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш-халқ таълими барча бўғинларининг асосий вазифаси.

Республика Олий Мажлиси инсоннинг ўз қобилияти, иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиши, эркин ижодий фаолияти учун зарур шароитларини яратиш тўғрисида.

Инсон учун энг олий неъмат - яшаш ва осойишта ҳаёт кечириш шароитининг Ўзбекистонда тўла таъмин этилганлиги.

Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакилликнинг ташкил этилиши.

Республика Президенти Ўзбекистон Олий Мажлиси олдида турган долзарб, масъулиятли вазифалар ҳақида.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи: хусусиятлар, вазифалар, муаммолар.

Мулкни ўз эгаларига топшириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш-шу куннинг муҳим вазифаси.

Мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиш - умумхалқ иши.

Дон мустақиллигига эришиш сиёсати - амалда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида банк, молия, кредит тизимини такомиллаштириш, солиқнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш масалалари.

Миллий валютамизни мустаҳкамлаш умумдавлат иши.

Халқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш - ислоҳотларимизнинг муҳим хусусияти.

Олий Мажлис биринчи сессияси мўлжали аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсати тизимига ўтиш тўғрисида.

Юртбошимиз жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик хусусида.

Одамлар руҳиятини ўзгартириш, бозор руҳиятини шакллантириш масалалари.

Эски тизим асоратлари - лоқайдлик, ташаббуссизлик, боқимандаликдан қутулиш-долзарб вазифа.

Раҳбарларнинг юксак масъулият, изланиш, ташаббускорлик, уддабуронлик руҳида ишлаши - давр талаби.

Юксак маънавият-келажак пойдевори.

Ўзбекистон Президенти иқтисодий тикланишнинг маънавий юксалиш билан уйғун бўлиши тўғрисида.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фан, маданият ва маънавиятни ривожлантириш масалалари.

Дин-миллий ва умуминсоний қадриятдир.

Олий Мажлис биринчи сессияси матбуот ва телевидение фаолиятини кескин яхшилаш тўғрисида.

Инсонни шарқона ахлоқ—одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топтириш-соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим шарти.

Халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш - давр тақозоси.

Ўзбекистон ва жаҳон.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштироки - миллий хавфсизлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш гарови.

Мамлакатимиз — МДҲнинг фаол иштирокчиси.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги - миллий хавфсизлигимиз асосий шартларидан бири.

Ўзбекистон миллий Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш - давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолати.

Мамлакатимиз раҳбариятининг минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган ташаббус ва таклифлари.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича қарори - ҳаётий зарурат.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 26 март референдуми мамлакатимизда демократик тизим қарор топаётганлигидан далолатдир.

Референдумда фаол иштирок этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш учун овоз бериш - барчамизнинг фуқаролик бурчимиз.

Республика Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорлари бажарилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ўрни ва вазифалари.

БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

(РЕПОРТАЖ)

Ўтган куни пешиндан кейин «Дўрмон» жамоа хўжалиги муҳташам маданият саройи Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессияси якунлари муҳокамаси ва 26 мартда ўтказиладиган референдум муносабати билан тўпланган Қибрай тумани фаолларини сиғдира олмади. Фахрийлар, меҳнат илғорлари, элнинг баобрў кишилари йиғилиш президиумидан жой олдилар. Туман «Давр овози» газетаси муҳаррири Абдуҳамид Фозилов бугунги тадбирга изоҳ берди:

— Кузатган бўлсангиз, одамларда кўтаринки кайфият бор. Чунки ўтган йил якунлари яхши бўлди, биронта жамоа хўжалиги зарар билан чиқмади. Қолаверса, деҳқонларимиз ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олиб турибдилар. Энг муҳими, маънавий муҳитнинг соғломлашуви таъминланган.

Ў шунингдек, бугунги йиғилишда барча хўжалик, ташкилот, муассаса раҳбарлари қатори маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари ҳам қатнашаётгани, йиғилиш охирида эса «Наврўз» хайрия марафони ўтказилишини таъкидлади. Шунда ташқарида ҳозиргина қурган суҳбатимиз ёдга тушди:

— Маҳаллалар — катта куч, — деди Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдукарим Қорабоев, — ана шуни ҳисобга олиб, Олий Мажлис биринчи сессияси қарорлари ва референдумининг ҳаётий заруратлиги юзасидан тушунтириш ишларини бошлаб юборганмиз. Ишончим комилки, ўнқўрғонликлар 26 март куни Президентимиз ваколатини узайтириш учун якдил овоз берадилар. Чунки улар юртбошимиз шаънини республикамиз шаъни, деб тушунадилар.

Мантиқли гапга қўшилиш ҳам мантиқлилик доирасига киради. Минбарда маруза қилаётган Қибрай тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Акбарали Йўлчиев сессиядан олган таассуротлари ва туман меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида ўз фикрини баён этарди.

Ҳокимнинг қисқа ва йиғилганлар дилидаги фикрлари ифода этилган маърузаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Туман фахрийлар кенгаши раиси Жўра ака Хоназаров минбарга кўтарилганда фаоллар унинг нима гапиришини олдиндан билгандек, олқишлар билан кутиб олишди.

— Мен ҳаётимда жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлдим, — деди у, — лекин ҳеч қачон Ўзбекистон мустақил бўлган йиллардагидек фахрланиш туйғусини туймаганман. Юртбошимиз буюк фарзандларимиз номини рўёбга чиқарди, бебаҳо маданий меросимиз, қадриятларимизни тиклади, республикамизни жаҳонга танитишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Шу боис, келажакда ўз диёрини буюк мамлакатлар қаторида кўришни истаган ҳар бир фуқаро референдумда Президент учун овоз бериши керак. Биз, фахрийлар — ҳар биримиз республикамиз шаъни — юртбошимиз шаъни учун Президент ваколатларини узайтиришга овоз берамиз.

Шундан кейин сўз олган Ш. Рашидов номли паррандачилик фабрикаси бош директори Т. Ортиқов, туман халқ таълими касаба уюшмаси раиси З. Шораҳмедов, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Аюпова ва бошқа нотиқлар тўпланганларни республикада тинч, иқтисодий барқарорликни таъминлаш кафолати бўлган умумхалқ референдумида қўйилган саволга ижобий жавоб беришга даъват этдилар.

Йиғилиш охирида «Наврўз» хайрия марафони бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда хайрия фондига шу куннинг ўзидаёқ икки миллион сўмга яқин маблағ ўтказилди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ НИЯТИ

• Президент Билл Клинтон маъмурияти АҚШ конгрессидан 1995 молиявий йилда Россия Федерацияси ва собиқ Иттифоқдаги бошқа давлатларга ёрдам бериш учун 1,5 миллиард доллар ажратишни сўраш ниятида. Бундан ташқари Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украинадаги ядровий қуролларни йўқ қилишга яна 371 миллион доллар ажратилиши лозим бўлади, дейилади шу мавзудаги хабарда.

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

• Ўтган якшанба куни Қрим Республикаси Бош вазири Аркадий Демиденкога суиқасд уюштирилди. Бироқ, портловчи модда суиқасд қилувчи Бош вазирга яқинлашмасдан бурун тўсатдан портлаб кетган. Натижада суиқасдчининг ўзи ҳалок бўлган.

Қрим ҳукумати Бош вазирининг журналистларга маълум қилишича, нотаниш кишилар унга телефон орқали бир неча бор таҳдид қилган.

МУЗОКАРАЛАРГА ЧОРЛОВ

• Шри-Ланка Президенти Чандрика Кумаратунга мамлакатда мухолиф куч ҳисобланган «Тамил Илама» озодлик йўлбарслари» раҳбарига мактуб йўллади. Мактубда Президент ушбу ташкилот раҳбарини қайтадан музокаралар бошлашга чақирган.

ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН АРБОБ

• Миср ва бошқа араб давлатларида ўтказилган жамоатчилик фикрини ўрганиш тадбири натижасида Президент Хусний Муборак 1994 йилдаги энг кўзга кўринган сиёсий арбоб деб топилди. Сўров давомида 4 миллион кишининг фикри ўрганилган. Улар Миср Президенти Хусний Муборакнинг Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатишга қўшган ҳиссасини юқори баҳолаган. Шунингдек, унинг араб давлатлари ўртасидаги ўзаро ва халқаро алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутгани ҳамда араб дунёси муаммоларига ўта эътибор билан қараётгани ҳам эътироф этилган.

ВАЛЮТА ЗАҲИРАСИ КЎПАЙМОҚДА

• Ҳиндистоннинг валюта заҳираси 19 миллиард АҚШ доллари миқдорига етди. Мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан буён биринчи марта бундай юқори кўрсаткичга эришган. Бу ҳақда Ҳиндистоннинг савдо бўйича давлат вазири П. Чидамбарам баёнот берди. Унинг таъкидлашича, ҳукумат 1991 йили мамлакатга 6,3 миллиард долларлик хорижий сармоя киритиш лойиҳасини тасдиқлаган эди. Шу пайтгача лойиҳаларнинг 20 фоизи ҳаётга татбиқ этилган.

КЕНГАШ КЕЧИКТИРИЛДИ

• Минтақавий ҳамкорлик бўйича Жанубий Осиё ассоциацияси (МҲЖОА)нинг шу йил апрель ойига белгиланган саккизинчи кенгаши Покистон давлати таклифи билан кечиктирилди. Кенгаш май ойининг бошида Ҳиндистоннинг Янги Деҳли шаҳрида ўтказилади. Маълумки, ушбу ассоциацияга минтақадаги етти давлат аъзодир. Айни пайтда ташкилотга Бангладеш Бош вазири Холида Зиё хоним раислик қилмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КАТТА ШИЖОАТ БИЛАН

Яккасарой тумани маҳалла фаоллари республика Олий Мажлиси биринчи сессияси матераилларини муҳокама этишди. Унда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати А. Мирқосимов, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Л. Ғуломов ва туман кенгаши биринчи котиби А. Абдуллаевлар сўзга чиқиб, 26 март куни барчани якдиллик билан референдумга қатнашишга даъват этдилар. Маҳалла оқсоқоли ХДП аъзоси Ориф ҳожи Алимахсумов ўтган йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган сайловларда маҳалла аҳли қанчалик фаол қатнашган бўлсалар, умумхалқ референдумида ҳам катта шижоат ва масъулият билан қатнашажагини билдирди.

— Чунки, ҳозирги кунда, — деб сўзини давом этди Ориф Алимахсумов, — партиямиз Раиси, ҳурматли Президентимиз олиб бораётган халқпарвар сиёсатни республикамиз аҳли кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватлаяпти. Ишончим комилки, нафақат бизнинг маҳалламиз, балки бутун республикамиз аҳли референдумда қўйилган саволга ижобий жавоб берадилар.

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ,
Яккасарой туман кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.

Эртага Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи очилади.

ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

Анжуманимиз арафасида мустақил республикамиз тарихида илк бор кўппартиялилик асосида вужудга келган парламент — республика Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтганини айтиш жуда қувонарлидир. Сессия бўлиб ўтган сана тараққиётимизнинг таянч нуқтаси сифатида катта тарихий аҳамият касб этиб, халқимиз ундан янгича куч-ғайрат олмоқда.

Бозор иқтисодиёти томон ташланган йўлга холис баҳо бериб, уни чуқур таҳлил қилиш ва эртанги кунимиз истиқболини белгилаш — буларнинг барчаси танланган йўлимизнинг ҳаққонийлигига юксак ишонч уйғотади. Жамиятимизнинг демократиялашуви, фуқаролар ўртасида тинчлик ва тотувлик мустақиллиқнинг энг катта ютуғидир. Ўтган қисқа давр ичида биз нима қилиш зарурлигини англабгина қолмай, муайян келажак сари аниқ қадамлар ҳам қўйдик.

Республикамиз раҳбариятининг иқтисодиётимизни юксалтириш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсати ўз натижаларини бермоқда. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришувида, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тинчлик-тотувлик ҳукмронлигида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тутган ўрни беқиёслигини таъкидлаш жуда ўринлидир. Шу боис ҳам республикамиз меҳнаткашлари айни кунларда сессияда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Президент ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорни маъқуллаб, 26 март куни бўладиган референдумда фаол иштирок этажагини билдиряптилар. Президент ваколатларини узайтириш қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириб, Президент, ҳукумат ва Олий Мажлиснинг бир маромда ишлашига имкон яратади.

Эришилган натижалар Республика Президентининг халқимизни истиқбол йўлидан оғишмай бошлаб бораётгани ҳамда илмий асосланган иқтисодий сиёсатнинг самарасидир. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўладики, биз босиб ўтган йўлимизни таҳлил ва таҳлил, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги замонга қўрилишига тадбиқ этмоғимиз керак».

Босиб ўтган йўлимизнинг яна бир муҳим жиҳати — маънавий ҳаётда эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очилди, бой маънавий меросимизнинг эгаси бўлдик.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар туфайли республика касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти ҳам тубдан ўзгарди. Касаба уюшмалари ҳам мустақилликка эришди. Юқорига қарамлиқдан озод бўлди. Эркинлик ва демократия қарор топди. Улар касаба уюшмаларининг халқаро раҳбарлари ва ишлаб чиқариш ташкилотларига аъзо бўлиб кирдилар.

Уз фаолиятини жаҳон андозалари ва тамойилларига мувофиқ тарзда амалга оширa бошлаган касаба уюшмалари федерацияси бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаб турибди. Уз сафларида 7,5 миллиондан зиёд кишини бирлаштириб, меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотига айланди.

Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги катта ўзгаришларга мос келадиган касаба уюшмалари ҳаракат дастурини қабул қилишни эндиликда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишни ўз фаолиятининг бош йўналиши, деб билади.

Конституцияга мувофиқ, қасаба уюшмалари жамоат ташкилоти сифатида қонун чиқариш ташаббускори бўлиб чиқмайдилар. Аммо бу қонунларни, айниқса, меҳнат шароити ва ижтимоий муҳофазага оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда федерация кенгаши ҳамиша фаол иштирок этган. Кейинги уч йил ичида иш билан бандлик ҳақида, пенсия таъминоти, меҳнатни муҳофаза қилиш, уй-жойларни хусусийлаштириш, мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги 160 дан зиёд қонунлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шулардан 60 таси ҳукуматимиз томонидан қабул қилинди.

Қурултойимиз ва унда қабул қилинажак янги ҳаракат дастури ва Низоми касаба уюшмалари ҳаракатини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга, жамиятни жипслаштиришга, иқтисодий ислоҳотларни самарали ўтказиш, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Мустақиллик шарофати билан касаба уюшмалари фаолиятида янги йўналишлар пайдо бўлди. Чет мамлакатлардаги касаба марказлари ва халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари билан узвий алоқалар урнатилди. Тарихда илк бор федерациямиз вакиллари ўтган йили Халқаро меҳнат ташкилоти конгреси ишида қатнашди. 20 дан зиёд мамлакатлар касаба уюшмалари билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилди. Республика касаба уюшмалари ВКП-касаба уюшмалари умумконсолидацияси таркибига кирган.

Касаба уюшмалари аъзолари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни якдил қўллаб-қувватлайдилар ва бу ислоҳотларда фаол иштирок этишга даъват этадилар. Улар бозор иқтисодиёти суткашлик, текисчилик, боқимандачилик билан амалга ошмаслигини яхши тушунадилар.

Қурултойимиз республика касаба уюшмалари ҳаракатининг 70 йиллиги билан уйғунлашиб ўтаётгани, айниқса, қувончлидир. 1925 йил 26 мартда касаба уюшмаларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтган. Бу икки воқеа босиб ўтилган йўлга назар солишга, келажак вазифаларини аниқ белгилашга катта имкон беради. Республикамиз касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ўз фаолиятларини янада ривожлантириб, халқнинг ишончли таянчи бўлиб қолаверади, деб ишонамиз.

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг муовини.

ТЎЙХАТ

ТИЛ ИЛМИНИНГ МАЛИКАСИ

60-йилларнинг бошларида толиб эдик. Институтдаги ҳамма дарслар биз учун жуда жозибали туюларди. Аммо Мазлумахон опанинг ҳар бир дарси, панд-насиҳати юрак тўримизда муҳрланар, илиқ туйғуларни уйғотарди. Опа ҳар доим ҳам оғир-босиқ, оҳиста сўзларди. Унинг гап-сўзларидан худди онамизнинг мулойим ва самимий товуши қулоғимизга оҳиста чалингандек бўларди.

Орадан кўп йиллар ўтишига қарамай, талабаларга ўта меҳрибон, она тили фанининг фидойиси, ўзига ва бошқаларга талабчан муаллимамизнинг кўп сўзлари дилимиз тўрида яшайди. Даъвати бизни ҳалоллик ва покликка ўргатади, яхши ва ўқимишли инсон бўлишга ҳамда ҳаётда ибрат уруғини сочишга чорлайверади.

— Укаларим, — дерди опа, — дунёда мавжуд нарсаларнинг барчасига ибрат кўзи билан боқинглар! Яхши инсонларнинг қилаётган ишларидан, уларнинг ғайрат ва шижоатларидан ўрнак олинглар!

Опамизнинг ўзи бир умр шу сўзга амал қилиб келмоқда. Муаллимлик ва илмда бошқаларга ибрат бўлишга интилади. Зеро, устознинг ҳаёт йўли, олималиги енгил кечмаган. Тинимсиз ўқиш, изланиш, ўз устида астойдил меҳнат қилиш билан мустақил давлатимизда ўзбек тили фанининг билимдони ва унинг ҳимоячисига айланган. Шундай зотлар туфайли бу фан ўша мураккаб йиллардан омон ўтди. Олиманинг ўнга яқин дарслик ва қўлланмалари қайта-қайта нашр этилмоқда.

Буюк француз мутафаккири Шарль Летурно дунёда энг масъулиятли ва шарафли касблардан бири бўлган муаллимлик ҳақида сўз юритиб:

— Танингни бақувват қилиш, иродангни чиниқтириш, қалбингни фазилатли қилиш, фикрингни кенгайтириш ва фаҳм-фаросат билан ўзингни вазмин сақлаш воситаларини билсанг, демак, сен ҳақиқий муаллимсан, деб ёзган эди.

Ана шундай фазилатга эга бўлган опамизнинг умр йўли ҳам жуда оддийгина. У аввал билим юртини, сўнгра Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини тамомлади. Мазлуманинг ўқишдаги тиришқоқлигини, ўзбек тили фанига бўлган изланишга иштиёқмандлигини сезган А. К. Боровков уни институт аспирантурасида олиб қолди. Бўлажак олима тинимсиз ўқиди, изланди. Натижада у 1951 йилда «Ҳозирги замон ўзбек тилида равишдошлар» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазлума опанинг 1963 йилда ёқлаган «Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гапларнинг типлари» номли докторлик иши ўзбек аёли учун катта воқеа бўлди.

Мазлума Асқарова 1948 йилдан бери Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, доцент, профессор, мудир лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган давр ичида минглаб тилчи — ўқитувчиларни тарбиялаб етиштиришда ўзига хос катта мактаб яратган муаллима сифатида давлатимизда эъзозланади.

Ўзбек халқ мақолларидан бирида« йилларнинг йиғини умр саналмас, инсонга нафинг теккан кунинг умрдир», — дейилади. Устоз бу мақолга доимо амал қилади. Студент ҳам, ўқитувчи ҳам, олим ҳам керак бўлган пайтда устоз ўгитидан баҳраманд бўлади. Одамларга ёрдам бериш опанинг азалий одати. 10 дан зиёд фан доктори, 30 дан ортиқ фан номзоди опа раҳбарлигида диссертация ёқлаб, мамлакатимиз олимлар сафини тўлдирган.

Она тили фанининг маликаси бўлмиш Мазлумахон опа ўзбек тили синтаксиси муаммолари билан чеклангандек, туркий тиллар синтаксисининг муҳим ва мунозарали масалаларига ҳам муносабат билдириб, турли мамлакатларда бўлган илмий анжуманларда иштирок этиб келади. Уфа, Алмати, Бишкек ва бошқа шаҳарлардаги йиғинларда қатнашиб, таъсирли маърузалар ўқиган.

Жамоатчи, муаллима ва олима Мазлума опа асло тўниб-тинчимайди. Унинг жуда кўп илмий кенгашларнинг аъзоси сифатидаги фаолияти ҳаммамиз учун ибратлидир. Айниқса, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти қошидаги «Педагогика назарияси ва тарихи», «Она тили ва адабиётини ўқитиш методикаси» ҳимоя кенгашидаги фаолиятининг ўзиёқ диққатга лойиқдир. Собиқ СССР Педагогика фанлар академиясининг мухбир аъзоси сифатида қилган ишлари фанимиз равнақига равнақ қўшган.

Олиманинг илмий, педагогик фаолияти муносиб тақдирланган. Айни кунларда бутун давлатимизнинг педагогик жамоатчилиги устозимиз Мазлума Асқарова таваллудининг 70 йиллигини, илмий-педагогик фаолиятининг 50 йиллигини кенг нишонламоқда. Доно халқимиз илмли, саводхон кишиларни азал-азалдан севиб, эъзозлаб келган. Опа ҳам эъзозли ва ардоқли олимлардан ҳисобланади. Дарвоқе, халқнинг: «Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поклайди, табиатингни тозалайди, изатингни оширади. Илм сенинг ҳаётингга таҳсинга сазовор бўладиган янгиликлар олиб киради, ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратади, бу билан эса сени камолга етказиб, умрингни боқий қилади» — деган ибратомуз гаплари ҳам опамизга тааллуқлидек туюлади.

Қаландар САПАЕВ,
филология фанлари номзоди.

КЎРГАЗМА, САВДО ЯРМАРКАСИ ВА ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАР



Модали ва чиройли маҳсулотлар
нисбатан арзон нархларда

● Сиз Тикувчилик саноати Ассортимент ва Модалар республика марказидаги ярмаркамизда модали ва чиройли маҳсулотларни улгуржи ва чакана тарзда сотиб олишингиз мумкин.

● Баҳор-ёз мавсуми

газламалари, пойабзаллари, тикувчилик, трикотаж ва чарм-галантерея буюмлари сотилади.
Ярмаркада ''Ўзбекенгилсаноат'' уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашадилар.

Биз Сизларни 18 ва 19 март кунлари соат 10 дан кутамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 25.
''Россия'' меҳмонхонаси бекати. Телефонлар: 39-10-53, 39-13-49, 56-05-25.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР

МОСКВА ШАҲРИДАГИ ВАТАНДОШЛАРИНГИЗ — "МОСБИЗНЕС" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ ТОШКЕНТДАГИ БЎЛИМИ — МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН "СИНТЕЗ - АФ" ЖАМИЯТИ

СИЗЛАРНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН ТАБРИКЛАЙДИ.
БАЙРАМ ШАРОФАТИ БИЛАН АЁЛЛАРИМИЗ УЧУН 30 ФОИЗ АРЗОНЛАШГАН НАРХДА ФРАНЦИЯ АТИРЛАРИ СОТИЛАДИ.

Хонадонингиз ва аёлларимизни баҳорнинг хуш бўйи ва муаттар иси тарк этмасин десангиз Франция атирлари — "CAMELIA", "DIVINA", "LEDY SHANGHAI", "SPLENDID"лардан харид қилинг. Улар Сизга баҳорий кайфият ва жўшқинлик бахш этади.

Бундан ташқари, омборда яна қуйидаги маҳсулотлар ҳам сотилади:

— Айланаси 50, 51, 57, 65 ва 76 мм. бўлган металл қувурлар.
— Қалинлиги 2, 3 мм. бўлган металл тунукалар (металлопрокат).

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй ("Ўзбекбирлашув" биноси), 13-қават, 13 — 02 хона.

Телефонларимиз: 45-80-42, 45-82-49.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

ТАШКИЛОТ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН БАЙРАМОЛДИ СОТУВИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ

— аёллар ва эркаклар пойабзали (Италия, Португалия маҳсулотлари).

Оврўпо мамлакатларидан келтирилган ичимликлар сотуви давом этмоқда:
—Италия ва Испаниянинг энг яхши винолари;
—Италия мева ликёрлари;
—7 хил турдаги шампан винолари, джин, виски, "Наполеон" коньяги (Италия);
—Италия, Голландия, Исландия, Бельгиянинг турли хил ароқлари;
—Грециянинг 4 хилдаги коньяклари;
—"GOLDEN AMERICAN" сигареталари; "CITIZEN" калькуляторлари, компьютерлар.

Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини, пойабзал, кийим-кечак, ортехникаларни етказиб бериш учун буюртмалар қабул қиламиз.

Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ХАРИДОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚМИ?»

Шу сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар «Озиқ-овқат» акционерлик улгуржи-чакана савдо бирлашмаси раиси М. Мираюбов имзоси билан қуйидаги жавоб олинди.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 21 февраль сонида босилиб чиққан «Харидорнинг кўнгли тўқми?» сарлавҳали мақоласи «Озиқ-овқат» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси кенгашида кўриб чиқилди ва қуйидаги чоралар кўрилди:

«Ҳамза» акционерлик жамияти ва «Тинчлик» жамоа корхонаси раҳбарлари Қ. Раҳимжонов ва Х. Қурбоновга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарорининг бажарилишини таъминламаганликлари ва тушунтириш ишлари олиб бормаганликлари учун ҳайфсан эълон қилинди.

Ўз навбатида бу жамиятлар ўз кенгашида чиқарган қарорига кўра:

«Ҳамза» АЖга қарашли 32-сон дўкон мудири Х. Раҳимжонов дўкон мудири лавозимидан озод қилинди.

24-сонли «Амиржон» хусусий корхонаси ўз буйруғига кўра С. Зойировни ўз вазифасидан озод қилди.

«Тинчлик» жамоа хўжалиги корхонасига қарашли 14-сон дўкон I тоифали сотувчиси Р. Пименова, 3-сон дўкон мудири А. Содиқов, 50-сон дўкон мудири А. Қобиловларга ҳайфсан эълон қилинди.«Тинчлик» жамоа корхонаси раисининг ўринбосари М. Шарипов Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарорини бажармаганлиги ва кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида узилишларга йўл қўйилганлиги учун ўз вазифасидан озод қилинди.

«ЎҚУВЧИ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАЙСИЗМИ?»

Газетанинг 1995 йил 2 февраль сонида шундай сарлавҳали мақола чоп этилган эди.

Унда Қиргули тумани халқ таълими бўлимига қарашли бир қатор умумтаълим мактабларида тиббий хизматнинг ҳамда меҳнат таълими дарсларини ўтилишида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинганди. Мақола юзасидан Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов қуйидагиларни маълум қилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ушбу мақоланинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасадди вакиллари, шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари ва ҳунар билим юрти раҳбарлари иштирокида 10 февраль кунги бошқарма бошлиғи ҳузуридаги йиғилишда атрофлича муҳокама этди.

Муҳокама давомида Қиргули туман ХТБнинг республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш масалаларини комплекс равишда ҳал этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиш фаолиятига баҳо берилиб, мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бир ой муддат ичида бартараф этилиши тўғрисида чора-тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга вилоятдаги барча ўқув-тарбия муассасаларида тиббиёт хоналарини қайта таъмирлаб, уларни керакли жиҳоз ва дори-дармонлар билан таъминланишига эришиш ҳамда ҳар бир муассасада белгиланган тиббий хизматчиларнинг доимий фаолият кўрсатишлари лозимлиги уқтирилди.

Бундан ташқари меҳнат дарсларида ўқувчиларни техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилишлари таъкидланиб, мактабларда олиб бориладиган барча таълим-тарбия ишларининг моҳияти бола соғлиғига қаратилиши тўғрисида қўшимча тадбир белгиланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бундан буён ҳам республикамизнинг буюк келажагини белгиловчи ёшлар соғлигини муҳофаза қилиш борасида зиммасидаги барча ишларни тўлақонли амалга ошираверади.

«ҚУЁН» АВТОБУСЛАР

«Касалхонага бориш ниятида йўлга чиқиб кун бўйи автобекатда қолиб кетдим... Йўлкира ҳақи икки-уч баравар ошган бўлса-да, биз кулоқ қимирлатмай тўлаяпмиз. Шундай экан, транспорт хизматини таъминлаш мутасадди раҳбарларнинг диққат-эътиборида бўлмоғи керакда». Газетанинг шу йил 24 январь сонида босилган «Қуён автобуслар» сарлавҳали лукмада йўловчилар эътирози шундай баён этилганди. Мақола юзасидан «Навоийтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Р. МАВЛОНОВдан қуйидаги жавоб хати олинди:

— Мақолада кўрсатилган камчилик ва етишмовчиликлар 1995 йил 16 февраль куни ўтказилган бирлашманинг кенгайтирилган кенгашида кўриб чиқилди. Мақоладаги барча камчилик ва етишмовчиликлар ўринли, аммо уларнинг кўп қисми автокорхоналарнинг ёнилғи маҳсулоти билан таъминлаш танқислигидандир. Масалан, ҳозиргача автокорхоналарнинг нефть маҳсулотларига бўлган кунлик эҳтиёжи 60 фоиз қондирилмоқда.

Шунга қарамасдан «Навоийтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси автокорхоналарида қатновлар мунтазамлигини яхшилаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан нефть маҳсулотлари биринчи навбатда йўловчи ташиш транспортига ажратилмоқда, бартер усулида четдан ёнилғи олиш масалалари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, бирлашмада ташкилий чоралар кўрилаяпти. Жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги, назоратни пасайтириб юборгани учун Навоийдаги 23-автобус саройи ва Навоий автобус таксомотор саройининг фойдаланиш бўйича директор ўринбосарлари И. Суяров ва А. Саидовлар бирлашманинг 1995 йил 16 февралдаги буйруғига биноан ўз вазифаларидан озод этилдилар.

"АЛ-ФАРОСАТ" — МАВЖ УРАЁТГАН БИЗНЕС УММОНИДАГИ СИЗНИНГ МАШЪАЛИНГИЗДИР!
"АЛ-ФАРОСАТ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ "АФРОСИЁБ" САВДО МАЖМУАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"SHARP", "SAMSUNG" КАССА АППАРАТЛАРИ
- *кафолатли таъмирлаш,*
- *сервис хизматлари,*
- *эҳтиёж материалларини етказиб бериш,*
- *юқори сифатли маиший техникалар,*
- *модадаги мавсумий кийим-кечаклар.*

ТЎЛОВ ТУРИ ИСТАЛГАН ШАКЛДА



MZ 486DX
АМЕРИКА КОМПЬЮТЕРЛАРИ,
ОРГТЕХНИКА,
НУСХА ОЛУВЧИ АППАРАТЛАР,
ТЕЛЕФАКСЛАР,
КАЛЬКУЛЯТОРЛАР.

БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ "АФРОСИЁБ" ДЎКОНИ ВА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри,
Правда Востока кўчаси, 26
"АФРОСИЁБ" дўкони

Телефонлар:
(3712) 33-91-92,
33-65-07,
32-55-18

ЎЗБИНБАНК

Ўзбек ҳиссадорлик инновацион банки 1994 йилги иш якунлари бўйича ҳиссадорларнинг йиллик йиғилишини ўтказади. Йиғилиш 1995 йил 28 март куни соат 10ᵒᵒда қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 89 (Киночилар уйи биносида).
Банк ҳиссадорлари йиғилишда биринчи шахс бўлиб иштирок этишлари керак. Биринчи шахс қатнаша олмаган тақдирда, ҳиссадорнинг вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исми, вазифаси кўрсатилган ва овоз бериш ҳуқуқига рухсат берилган ишонч қоғозини тақдим этиши лозим.
Кун тартиби тарқатилади.

Мурожаат учун телефонлар:
55-82-59 (қабулхона)
54-06-61, 55-74-52.

УЗУККА КЎЗ БЎЛИБ ТУШГАН ШАРШАРА

Буёғи энди НАВРЎЗ! Кўнгиллар нурли туйғуларга тўлиб бораверади. Илиқ кунлар, баҳорнинг фусункор лаҳзалари, кундузу оқшомлари ҳар биримизнинг дилимизга яхшилик ва меҳр-муҳаббат элтади. Чунки, бу ажиб фасл ҳеч қачон ёш танламайди-да. Шул боис ҳам ана шундай ширин кайфиятлар юракларга чўғ солади. Биримиз ўзимизча ҳеч кимга кўрсатмай ўз «дардимиз»ни дафтарга ёзиб қўямиз. У ё шеър, ё бирон насрий қоралама ва ё ширингина хотира бўлади.

Келинг, бугун эса қўлимиздаги мана бу кўнгил дафтарларини бир варақлайлик...

Мамарайим АБДУЛҲАКИМОВ

ШАРШАРА

Симобий зарралар илҳом бахш этар,
Сочилиб ҳар томон Ойқизга етар,
Рўйи жаҳонлардан меҳмонлар кутар,
Зоминга юз бўлиб тушган шаршара,
Узукка кўз бўлиб тушган шаршара.

Бало-қазолардан сақлар Човкартоғ,
Хаста диллар шифо топгай — гўзал боғ,
Ҳар томчиси дардга шифо Музбулоғ,
Зилола муз бўлиб тушган шаршара,
Юртимга кўз бўлиб тушган шаршара.

Сўлим сойда ўйнаб оқар тиниқ сув,
Чимдимдай гуноҳинг бўлса дилдан қув,
Яхши бўлай десанг эгил, қўлни юв,
Элга пардоз бўлиб турган шаршара,
Ерга эъзоз бўлиб турган шаршара.

Тўхтамасин сумбул сочли шаршаралар,
Ошиқликдан сўйлайди тик даралар,
Қоялардан боқиб турар қарқаралар
Узукка кўз бўлиб тушган шаршара,
Зоминга юз бўлиб тушган шаршара.

ИЛТИЖО

Эй, яратган оллоҳим,
Кечир, менинг гуноҳим.
Сенга айтар сўзим бор,
Ўзинг бўлгин, паноҳим.
Ноинсоф бандаларинг,
Инсоф бўлолмай сарсон.
Танбалу ношудларга
Ким берар бир бурда нон.
Инсоннинг ризқи қўлда,
Умр ғунчаси гулда.
Тўрача, тўраларга,
Сира етмайди иймон.
Ёмонларга ўлим йўқ,
Деганлари ростмиди?
Яхши бандаларингга
Сўнгги баҳор-ёзмиди?
Кимнинг бағри қорадир,
Бу дунёда овора,
Кўп яшаган ёмонлар,
Номардлар ҳам касмиди.
Эй, яратган оллоҳим,
Сендан узр сўрайман.
Ҳар тонг ҳар наҳоринг-дан,
Бир яхшилик кўрайман.

КЎНГЛИМ ГАВҲАРИ ВАТАН

Она тупроқнинг гарди кўзларимга тўтиё,
Бу не мукамбар замин ҳисларимга тўтиё.
Ҳар ғунчаси, чечаги изларимга тўтиё,
Ниятимдай оқ пахтам юзларимга тўтиё,
Иқбол муборак сенга заминим, ризқим, ноним,
Кўнглим гавҳари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Тонгни кутиб кузатган қўли қадоқ бобожон,
Деҳқон илмининг пири, нияти пок бобожон,
Фотиҳага қўлинг оч, тилаги оқ бобожон,
Сенинг ниятинг менга суянчиғ-тоғ, бобожон,
Иқбол муборак сенга, боғим тузган боғбоним,
Кўнглим гавҳари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Дошқозоннинг бошида алёр айтган ҳур момо,
Ҳар боқиши офтобнинг нурларидай нур момо,
Тилагани ижобат, дуолари зўр момо,
Болагинанг кўчасида байрамларни кўр, момо —
Иқбол муборак сенга зийнатим, моможоним,
Кўнглим гавҳари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Чучмома терган болам, бўйларингдан айланай,
Чулдираган қўшиғинг, куйларингдан айланай,
Қизғалдоғим, куз дурим, сўйларингдан айланай,
Элим сенинг мукаррам тўйларингдан айланай —
Иқбол муборак сенга, менинг уйим, ошёним,
Кўнглим гавҳари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Кўксим тоғ каби баланд билсанг зўр даъват эрур,
Ўзбекистон эртаси буюк бир давлат эрур,
Давлатга ярашуғли кўп аро савлат эрур,
Бу юртда ҳар инсонга шафоат, шафқат эрур,
Иқбол муборак сенга бағри бутун маконим,
Кўнглим гавҳари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Эй, Бобоқуёш, сенинг шул нурингга минг шукур,
Борлиқ, ҳаёт аталмиш зуҳурингга минг шукур,
Тилимга забон берган суруринга минг шукур,
Ватаним, туфроғингда юруримга минг шукур —
Иқбол муборак менга, танимда томчи жоним,
Кўнглим сарвари Ватан — жоним Ўзбекистоним!

Оға БУРГУТЛИ

ГУЛОЙИМ

Ой десам ойдайгинам,
Кун десам кундайгинам
Сени ўйласам ёлғиз,
Бул кўнглим тўлғайгинам,
Гулойимжон, гулойим.

Ойнинг кўзи сузукли,
Гулойимжон тузукли,
Бул ёқларга келмайди,
Мендан кўнгли узикми
Гулойимжон, гулойим.

Гулойим ўн еттида,
Қўш ўрим соч кетида,
Нечун хабар олмагай
Биздан озор еттима,
Гулойимжон, гулойим.

Кўнглимнинг гумонини,
Тумандай ёзмасам бўлмас,
Гулойимнинг бўйнига
Ўзимни осмасам бўлмас,
Гулойимжон, гулойим.

Осмонга ой отали,
Чимилдиқни тортали,
Гулойимжон келсалар,
Бирга-бирга ётали —
Гулойимжон, гулойим.

ХАЙРИНИСОНИНГ ДИЛБАРЖОН ҲАҚИДА АЙТГАН ҚЎШИҒИ

(МАРСИЯ)

Зоминсойнинг бўйида,
Ялпиз терган Дилбаржон.
Ялпизини баргаклаб
Ерга берган Дилбаржон.
Чаманларни тўлдириб,
Юрармидинг Дилбаржон.
Кулмаганни кулдириб,
Кулармидинг Дилбаржон.
Осмондаги турналар,
Учиб борар Дилбаржон.
Айтинг қайдан қайларга
Кўчиб борар Дилбаржон.
Тут шохида арғамчи,
Ҳалинчагинг Дилбаржон.
Қора қоши қаламчи,
Кулганчагинг Дилбаржон.
Сен малаксан, фаришта,
Ҳурлар билан Дилбаржон.
Ҳар тонгда бир куласан,
Нурлар билан Дилбаржон.
Ёрини зор йиғлатган,
«Ёр»лар ўлсин Дилбаржон.
Тузилмасдан узилган
Дорлар ўлсин Дилбаржон.
Дарё бўлиб ёшлари
Оқиб кетган Дилбаржон.
Бу дунёга гулларини
Экиб кетган Дилбаржон.
Маҳшар куни сўровда,
Ёрлар қолар Дилбаржон.
Тут шохида осилган
Дорлар қолар Дилбаржон.
Зоминсойнинг бўйида
Йиғлай кетган Дилбаржон.
Бу дунёнинг бағрига
Сигмай кетган Дилбаржон...

Марҳабо УМРЗОҚОВА

СИЗ МЕНИ ЮПАТМАНГ...

Энди у тарихдир, энди хотира,
Сертупроқ кўчага ётқизилган тош.
Болалигим ортда сурати хира
Шўхлигим тийилган, улғайяпти ёш.
Болалик орзуим улғайиш эди,
Мана, улғайдим ҳам орзум ушалди.
Ғуборсиз болалик поёндозининг
Ўрнига армонли гилам тўшалди.
Баъзида қалбимни тилар жароҳат,
Оғриққа гоҳида беролмайман дош.
Юракни қийнайди ғалати ҳолат,
Эй фалак, бунчалар бағринг сенинг тош.
Мени севинг дея мажбур қилмайман,
Майли, қандай бўлсам шундайча билинг.
Айтган сўзингизга кўнаман, бироқ
Сиз мени алдашдан ўзингиз тийинг.
Сиз мени юпатманг, ёлғон сўзлар-ла,
Ёлғонлардан безиб қолган юрагим.
Армонга айланган болалик сенга
Бир лаҳза қайтмоқлик ёлғиз тилагим.
Сиз мени юпатманг, ёлғон сўзлар-ла,
Энди болаликка қайтишим гумон.
Оёғимдан чалманг, йиқитманг туртиб
Ярамнинг битиши эмасдир осон.

***

Сутдек опопоқ тун кечмоқда
Ойнинг юзи тарам-тарам,
Тун қўйнида бу сокинлик
Тирнаётир юрак ярам.
Юраккинам талпинади,
Чиққудайин кўксим ёриб,
Мен уйғоқман, мендан бошқа
Ухлаяпти, ишдан ҳориб.
Тонг саҳардан то кечгача,
Ишлаганлар балки уйғоқ,
Баъзилари ухлаяпти
Кўрпалари турфа қуроқ.
Тун бағрида фақат мену
Менга ҳамроҳ ул ой уйғоқ,
Замон бошқа — энди қизлар
Ой нурида тикмас белбоғ.
Бизлар нега тикмаймиз-а,
Белбоқ учун йўқмикан бел?
Йўқ, йўқ, бел-ку бора, аммо
Энди қайиш тақади эл.

МЕН ТЎЙМАДИМ, СЕНГА ГЎЗАЛЛИК!

Турдибек НАЗАРОВ

***

Қачонлардир битта қўшиққа,
Иккимиз ҳам қўйгандик ихлос.
Уни куйлаш бўлмаган унут,
Лек оҳанги келмас сира мос.

Кетаяпмиз битта йўл бўйлаб,
Иккимиз ҳам бир манзил томон.
Қизиқ, айтар қўшиғимиз бир,
Лек йўлимиз ўзгадир ҳамон.

СЕНСИЗ

Сен ҳали билмайсан,
Мен учун —
Дийдоринг нақадар қимматин.
Сўзламоқ мушкулдир сўз билан
Сенсиз кунларимнинг қисматин.

Сен ҳали билмайсан, малагим,
Дунёнинг бу қадар кенглигин.
Шу дунё қиммати мен учун —
Сенинг дийдорингга тенглигин.

***

Мен тўймадим сенга, гўзаллик,
Фақат туйдим ҳароратингни,
Енгилмассан,
Боқийсан,
Ҳурсан,
Мангу куйлай муҳаббатингни!

Қучолмадим сени, на чора,
Олислардан боқдим суқланиб.
Чунки сезгум, мудом ортимда
Кимдир турар муштин ўқталиб...

Мен тўймадим сенга, гўзаллик...

«НУҲ КЕМАСИ»

«Дунёни сув босса — ўрдакка не ғам»,
Бу ҳам ўз йўлига ҳикмат — беназир.
Лекин биз туяйлик бу ғамни ҳар дам,
Бизлар ўрдак эмас, одаммиз, ахир.

Фақат ўт-сув эмас офат балоси,
Офатнинг турлари кўпдир ниҳоят.
Баридан баттари одам оласи,
Мунофиқлик, ҳасад, алдов, хиёнат.

Дунёни сув босса ёмону, аммо -
Қалбларни босмасин бу хил офатлар.
Иллатлар тўфони узра доимо —
Нуҳнинг кемасига айлансин қалблар.

Абдусаттор СОДИҚОВ

ОРИЯТ

(ҳикоя)

Ҳаммаси бошлиқнинг бир оғиз гапидан бошланди. Битта гап билан ҳаётининг бунчалик ўзгариб кетишини у сира ўйламаганди.

Ўша куни эрталаб бошлиқ Маъмурни ҳузурига чорлаб, икки йил муддат билан хорижда ишлаб келиш учун юбориши мумкинлигини айтиб қолди. Аввалига у бу гапни ҳазилга йўйди. Лекин жиддий сўз айтилганини билгач, бутун ҳаловати бузилди-қолди.

Маъмур уйда ҳам, кўчада ҳам осойишта ҳаёт кечиришга ўрганган. Ишига пухта, етти ўлчаб, бир кесади. Бўлар-бўлмас нарсага ташвишланиб, ҳуда-беҳуда куйиб-пишавермасди. Унинг вазмин, осойишта турмуши бошқаларда ҳавас уйғотарди. Кейинги пайтда ана шу осойишталик ва сокинлик йўқолди.

Чет элда ишлашга борса бораверади. Бошқалар ҳам ишлаб келишяпти. Лекин уй шароити бироз тўғри келмай турибди-да. Жўжа бирдай жон. Фарзандининг каттаси энди мактабга бораяпти. Эгизаклари — Ҳасан билан Зуҳрани ташлаб узоққа кетишнинг ўзи бўладими? Чақалоқлар икки ойлик бўлишди. Умринисо болаларга бўлсинми, мол-ҳолга қарасинми? Тўртта-бешта қўйга, сут берадиган сигирга ем-хашак керак. Нима бўлса ҳам Маъмур чет элга боришдан қолмаса бўлмайди.

Ана шу ниятларини айтиш учун икки-уч марта бошлиқнинг ҳузурига келди. Ҳар сафар унинг қабулида одам кўп бўлганидан қайтиб кетаверди. Охири имкон топиб унинг ҳузурига кирди, дардини очди.

— Энди иложи йўқ, — деди бошлиқ қўлларини икки ёнга ташлаб. — Биз рўйхат бериб қўйганмиз. Бўлмайди. Шундай дардингиз бор экан, олдинроқ айтмайсизми? Ўрнингизга бошқа одамни ёзиб қўйсак олам гулистон эди. Ҳай аттанг, аттанг, — бешиктебратардек бошини чайқади. — Йўли бўлса яна ҳам ўйлаб кўрармиз. Унгача ҳужжатларингизни тайёрлаб қўяверинг.

Бу гапдан сўнг Маъмур баттар тинчини йўқотди. Бугун-эрта кетиб қолаётгандек бўлаверди. Кечалари болаларининг бошини силаб, оғир-оғир хўрсиниб чиқади. Шундай кунларнинг бирида ҳамкасби Жалилга юрагини ёрди:

— Бошлиқ чет элга борасан деб қўймаяпти. Бормасликнинг иложи йўқмикин-а?

— Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, — Жалил пайвандлашда юзини тўсиб турадиган мосламани бошига кўтариб қўйди. — Озгина «қуруғи»дан ошириб қўйсанг ўрнингга сон мингта одам. Чет элга кетувчи ишқибозлар етиб ортади.

— Нимани ошираман? — ҳайрон бўлди Маъмур.

— Нимани бўларди, мана бундан-да, — Жалил бош ва кўрсаткич бармоқларининг учини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

Ростдан ҳам шу Маъмурнинг хаёлига келмабди. Лекин ана шу «қуруғи»ни қандай қилиб беради. Умрида биров билан бунақа олди-берди қилмаган. У кундалик турмушини қўл учида аранг ўтказиб турса, бу ёғи қандоқ бўлди. Пулни қаёқдан олади? Бировдан қарз олай деса нима қиласан, деб сўраб қолишларидан чўчийди. Қандоқ кунларга қолди ўзи-я?

У бир неча йилдан бери рангли телевизор оламан деб тишининг ковагида асраб юрган пулни хотинидан сўраб олди. У футболга жуда ишқибоз. Футболни рангли тасвирда кўришнинг гаштига нима етсин. Айниқса, кичкинтойлар кўғирчоқ фильмни кўрса борми... На чора, яна бир икки йил сабр қилади.

Пулни санади.

Бир ўрам пулни у чўнтакка солса ҳам, бу чўнтакка солса ҳам дўппайиб қолаверди. Охири пулни йириклаштириб олиш учун жамғарма банкига борди. Назарида кассир қиз «бу пулларни кимга бермоқчисиз?» деб сўраб қоладигандай. Йириклатиб олгунча сел-сел терга ботди. Гўё ҳозир бир неча киши келиб қўлларини қайириб уни олиб кетишаётгандай туюларди. Атрофга аланг-жаланг кўз ташлади. Ҳўрлиги келиб нафаси бўғзига тиқилди, кўзларига ёш келди. Умрида бировга юзи сарғаймаган одам не кунларга тушди ўзи? Шундай қилмаса, бола-чақаларини қийнаб мусофир юртга кетиб қолиши ҳеч гапмас-да.

Пулни конвертга жойлади. Бир неча кун бошлиқнинг қабулида навбат кутиб, қайтиб кетди. Назарида ҳамма қўлини бигиз қилиб уни кўрсатиб, пора беряпти, деб шаъма қилаётгандек туюларди. Шу кунлари кўзлари ортга тортиб, озиб-тўзиб кетди. Фурсат эса ўтмоқда. Ниҳоят бошлиқнинг ҳузурига кирди. Гапни нимадан бошлашни билмай анча каловланди.

— Менинг, менинг ҳеч иложим йўқ, — деди тутилиб-тутилиб. — Болаларим ёш, хотиним касалманд. Бешиқда эмизикли болалар бор, — оғзига келган сўзни эўрга айта бошлаганидан шолғомдек қизарди. — Мени қолдирсангиз, — даг-даг қалтираётган панжаларини чўнтагига тиқди. Конвертни стол устига қўйгунча бўларича бўлди.

— Нима бу?! — хитоб қилди бошлиқ. — Мен тушунмай турибман. Одамлар чет элга юборинг деб ҳоли жонимга қўйишмайди-ю, сиз бўлсангиз...

«Тамом, ҳозир пора беряпти деб милиция чақиради. Темир панжара ортида ўтириш шўр пешонага ёзилган экан-да», — Маъмурнинг вужудини совуқ тер қоплади. У турган хона кемадек чайқалар, мувозанати йўқолиб, кўз олди қоронғулашди. Бу ҳолга тушгунча ўлгани минг марта афзал эди.

— Майли, сиз бормасангиз бошқа бировни юборишга тўғри келади, — хаёлини бўлди бошлиқ. — Буни эса стол устига эмас, бу ёққа ташланг. Одам сал маданиятли бўлиши керакда, — у тортмани тортиб қўйди. Маъмур қўллари қалтираб конвертни у кўрсатган жойга ташлади.

— Қанча ўзи, дадилми ишқилиб? — ҳамон тиржайиб турарди у.

— Ҳа-а, анчагина, — тили аранг калимага келди. — Рангли телевизор оламиз деб йиғиб юрган эдим, — ғулдиради Маъмур.

— Бўлди, ишингизга бораверинг!

Бошлиқнинг гап-сўзсиз конвертни олиб қолганидан Маъмур ўзида йўқ хурсанд эди. Инсофи бор одам экан, ҳар нечук милиция чақирмади. Йўқса, Маъмурнинг ҳолига маймунлар йиғларди.

Қабулхонадан чиққанда кўз олдини туман қоплади. Вужудини совуқ тер босиб кела бошлади. У нима иш қилиб қўйганлигини энди ҳис этди. Кўз олдида оппоқ соқолларини силаб турган отасининг сиймоси гавдаланди. Отасини қишлоқдагилар Омон дангал дейишарди. У чўткесар, бир сўзли, тўғри одам эди. Кўплар унинг ҳатто соясидан ҳайиқишарди. Умрида бировнинг ҳаққига кўз ола қилган одам эмасди.

«Наҳот отамнинг руҳини безовта қилдим», — ўзича пичирлади Маъмур. Унинг юраги қаттиқ қисилди, нафас олиши қийинлашди. Кўкрак тўғмаларини ечиб юборди. Оғриқнинг зўридан кўксини чангаллаб йиқилди. Боши узра зангори осмон гир-гир айланди. Кўз олдидан ўтаётган айқаш-чуйқаш манзаралар орасида бошини бешикка тираб бола эмизаётган хотини, қўлчаларини силкитиб ўйнаётган Ҳасан, Зуҳра кўринди. Кейин эса...

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ , навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.20

1 2 3 4 5 6.